INTERNATIONAL JOURNAL OF SCIENTIFIC RESEARCHERS
ISSN: 3030-332X Impact factor: 9,493 Volume 16, issue 1, February 2026
https://wordlyknowledge.uz/index.php/IJSR worldly knowledge
Index: google scholar, research gate, research bib, zenodo, open aire.
https://scholar.google.com/scholar?hl=ru&as_sdt=0%2C5&q=wosjournals.com&btnG
https://www.researchgate.net/profile/Worldly-Knowledge
https://journalseeker.researchbib.com/view/issn/3030-332X

АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА МУРОЖААТЛАР БИЛАН ИШЛАШ ЖАРАЁНИ

Мурзажанов Шавкатбек Гафурович
Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти илмий ходими

Аннотация

Мақолада Соҳибқирон Амир Темур даврида фуқаролар мурожаатлари билан ишлашнинг ўзига хос жиҳатлари ўша даврдаги аҳолининг мурожаатлари билан ишлаш ва унинг қонуний ҳал этилиши устидан назорат масалалари,таҳлил асосида бугунги кун билан қиёсан ўрганилган.

Калит сўзлар

Амир Темур, мурожаат, назорат, ахоли муаммоларини ўрганиш, фуқаролар қабули,усуллари.

ОСОБЕННОСТИ РАБОТЫ С ОБРАЩЕНИЯМИ ГРАЖДАН В ПЕРИОД ПРАВЛЕНИЯ АМИРА ТЕМУРА: ИСТОРИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ.

Аннотация

В статье освещены особенности работы с обращениями граждан в период правления Амира Темура, где были изучены вопросы работы с обращениями населения того времени и контроля за их правовым разрешением при сопоставлении с сегодняшним днём.

Ключевые слова

Правление Амир Темура, обращение, контроль над исполнением обращений, приём граждан.

Соҳибқирон Амир Темур таҳтга ўтирган биринчи кунидан бошлаб янгича бошқарув тизимини барпо этган.Бунда академик Б. Ахмедовнинг қайд этишича (2; 53) Амир Темур давлатида муҳтасиблар (назорат қилувчилар) мансаби жорий этилган бўлиб, бу лавозимни эгаллаганлар алоҳида мавқега эга бўлган ва улар диний маросимлар, урф-одатлар ҳамда шариат қонунларининг бажарилиши (фуқароларнинг мурожаатлари шариат нормаларига асосланган ҳолда адолатли ҳал этилиши) устидан алоҳида назоратни амалга оширган,шунингдек шариат қонун-қоидаларининг бажарилиши, бозордаги нарх-наво ва тош-тарозиларнинг тўғрилиги устидан назорат олиб борганлиги, бу нормаларга амал қилмаган ҳуқуқбузарларни жазолаш ваколатига эга бўлганликлари келтириб ўтилган (8; 26)бўлиб,юкорида курсатилган олимларимизнинг фикридан кўриниб турибтики оша даврларда хам хар бир мурожаатлар давлат томонидан каттик назоратга олинган,конунларни ижроси таъминланиши муҳтасиб лавозимидагиларига юклатилган.

Соҳибкирон Амир Темур давлатни бошқаришда энг аввало адолат нормаларига каттик риоя қилишга жуда катта аҳамият берган. У қонун олдида ҳамманинг тенг ҳуқуқли бўлишини таъминлашга, адолат тамойилига таянган.

Амир Темур барча амалдорларига аҳолининг мурожаатларини қонуний ва адолатли ҳал қилишлари учун намуна тарикасида ўзининг оила аъзолари устидан тушган шикоятларни кўришда ҳам адолат ва қонун устуворлиги тамойилларига амал қилган, адолатли давлатида аввало амалдорлар ўзлари конун устуворлигини, конунга каттик риоя килиши, конун олдида барчасининг хукуклари тенглигини таъминланишига талаб кўйган.

Оша даврда ташкил этилган арзбеги лавозими эгаллаган шахс ариза ва шикоятларни қабул қилишда, келиб тушган шикоятларни тезкорлик билан хабардор қилиш олий ҳокимият вакиллари билан учрашишни истаган мурожаатлар муаллифларининг қабулини ҳам ташкил қилган. Агар Хозирги давирга таккосласак ахолининг мурожаатларини кабул этиб ижросини таъминланишида ташкил этилаётган оммавий сайёр кабуллар билан солиштирсак бўлади.

Арзбеги барча шикоятлар, аризалар ва таклифларни шахсан Амир Темурга билдириш ҳуқуқига эга бўлиб, “Темур тузуклари”да шундай дейилган: “Яна ҳукм қилдимки, бир кишини арзбеги қилиб тайинласинлар. У сипоҳ, раият ва арз-дод қилиб (ҳузуримга) келувчиларнинг аҳволини, мамлакатнинг обод-ҳароблигини, муҳим ишлардан қайси бири битган-битмаганлигини менинг арзимга етказиб турсин” (5; 120).

Кўриб турибмиз Амир Темур адолатли давалат бошкарувида ўз вактида юз бераётган воқеалар ҳақида зудлик билан маълумот олиш учун икки йўналишдан фойдаланган.

Биринчи йўналиш, шикоятчиларнинг келиб чиқиши ва унвонига қарамай, тўғридан-тўғри олий девон (даргоҳ)га мурожаат қилиш имконига эга бўлганлигидан иборат.

Иккинчи йўналиш махсус хизматлар, ишончли шахслар – аминлар томонидан жойлардаги вазиятни текширган. [6]. Ушбу текширувларда энг эътиборли шахслар, ўз даврининг атоқли олимлари мурожаатларни текшириш, уларни ўрганиш ишларида иштирок этганлар., давлат ва жамият манфаатларига зид бўлган адолатсизлик ва тартибсизликлар ҳақида ҳаққоний маълумот олиш имконини берган.

Шунингдек оша даврлада хам барча ариза ва шикоятлар махсус котиблар томонидан сақланиб, махсус дафтарларга қайд этилган

Хозирги кунда барчамизга маълумки, давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон бўйлаб ҳар бир ҳудудга ташриф буюриши давомида у ердаги маҳаллий аҳоли вакиллари билан учрашиб, уларнинг мурожаатларини тинглаб, ҳар бир мурожаатни бевосита ўша ернинг ўзида ижобий ҳал қилиш чораларини кўраётганлиги, албатта, халкимиз учун қувонарли ҳол ҳисобланади. Бу ишлар фақатгина ички миқёсда эмас, балки ташриф буюрилган барча чет давлатларда яшаётган фуқароларимиз билан ҳам бевосита учрашиб, мулоқот қилиб, уларни қийнаётган муаммоларни ҳал қилиш бўйича ҳам муайян ишларни амалга ошираётганлигини эътироф этиш даркор.

Шу боис ҳам давлат раҳбари “...раҳбарлар мунтазам равишда халқ орасида бўлиб, шахсий қабуллар ташкил этишлари, жойлардаги муаммоларни ҳал қилишлари зарур” лигини таъкидлаб келади [1]. Зеро, фуқароларнинг мурожаатларига алоҳида эътибор бериб, уларни синчковлик билан ўрганиб, масъуллар томонидан қонуний чоралар кўрилса, халқнинг давлат органларига бўлган ишончи янада ортади.

Амир Темур давлат бошқарувида халқ билан мулоқотни энг асосий ўринга қўйган. Ҳарбий юришлардан пойтахтга қайтиши биланоқ, халқнинг арз-додини тинглашни давлат аҳамиятига молик масала деб билган ва амалда одил ҳукмдор сифатида буни исботлаган. Инглиз тарихчиси Ҳильда Ҳукҳем шундай тасвирлайди: “Самарқандга қайтаётган Соҳибқирон йўл-йўлакай хар ҳил ахборот тўплар, шикоятларни тинглар,

исёнларни бостирар, ўлпонларни қабул қилар, маҳаллий амалдорларни ҳисоб беришга даъват этар, дорил-адолат (одил судлов) мажлисларида иштирок қилар, жазо чораларини тайинлар, меҳр-муҳаббат кўрсатарди" [10; 283]. Соҳибқирон салтанатида савдогар ва тадбиркорларнинг шикоятларини ҳал қилиш ҳам давлат аҳамиятига молик алоҳида масалалардан бири ҳисобланган ва бу борада қатъий қарорлар қабул қилинган.

Ҳуқуқшунос олим С.Юлдашевнинг таъкидлашича, "Мовароуннаҳр ва Хуросондан Маккаи Мукаррамага ҳаж ибодатини адо этишга бораётган зиёратчилар азалдан Ироқ ҳудудидан ўтадиган жойларда йўлтўсар ва қароқчиларнинг ҳужумларидан кўп азият чекканлар. Шунингдек, бу қароқчи ва йўлтўсарлардан нафақат Марказий Осиё тижорат аҳли ва савдо карвонлари, балки маҳаллий савдогарлар ҳам кўп жабр-зулм кўрардилар. Шу боисдан ҳам Амир Темур Бағдодда турган пайтида маҳаллий савдогарлар нажот излаб Соҳибқиронга мурожаат қиладилар.

Соҳибқирон тезда бу борада тегишли ишларни амалга ошириб, қароқчи ва йўлтўсарларни бартараф қилган ва Ироқ йўлларидаги хавф-хатарлар тугатилиб, осойишталик таъминланган" [7; 87].

Амир Темур даврида нафақат фуқароларнинг якка ўзлари, балки жамоавий тарздаги мурожаатларга ҳам алоҳида эътибор қаратилганлиги бошқа кўплаб манбаларда ҳам келтирилган. Амир Темур салтанатида жамоа бўлиб шикоят қилиш одатий тусга айланган бўлиб, уларни мазмунан ҳал этишга жиддий эътибор қаратилган. Бу ҳақда адиб Пиримқул Қодиров шундай ёзган: "Шерозда Амир Темурга Шох Мансур ва барча музаффарийлар сулоласидан жабр-зулм кўрган турли тоифадаги аҳоли арз-дод билан мурожаат қилади. Шаҳар акобирлари, барият ва раият вакиллари."

Агар Соҳибқирон музаффарийларнинг зўравонлиги ва жабр-ситамларига ўрганган қўлларини халқ устидан даф қилмасалар, бутун аҳоли хорлик майдонида оёқ остида қолуб ҳалок бўлғусидир", дейдилар. Амир Темур бу гал музаффарийларни тутдириб, ҳибсга олдиради" [9; 200].

Амир Темур вафотидан кейин ҳокимият тепасига келган унинг ворислари ҳам дастлабки даврларда давлат бошқарувида юқорида қайд этилган анъаналарига амал қилганлар.

Захириддин Муҳаммад Бобур ўзининг "Бобурнома" асарида Темурий султон Ҳусайн Бойқаро тўғрисида қуйидагиларни баён қилган: "Ҳусайн Бойқаронинг ўғилларидан бири одам ўлдирганида, бу ўлдирилган одамнинг ота-онаси арз қилиб келганлар, Ҳусайн Бойқаро бу азрни адолатли ечим топиши учун ўғлини жабрланувчиларга топширган ва қозига юборган" лиги қайд этилган [3; 67].

Юқорида Соҳибқирон салтанатида фуқароларнинг мурожаатларига оид фикрларни умулаштирган ҳолда Амир Темур томонидан тузилган кучли марказлашган давлатда раиятнинг арз ва шикоятларига эътибор бериш қуйидагиларда намоён бўлганлигини таъкидлаш ўринли:

биринчидан, фуқароларга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, бузилган ҳуқуқларини тиклаш мақсадида олий ҳокимият (даргоҳ) органига тўғридан-тўғри мурожаат қилиш имконияти берилган;

иккинчидан, мурожаатларнинг адолатли ҳал этилиши учун шахсан Амир Темурнинг ўзи наъмуна кўрсатган ҳолда, бу борада барчанинг тенглигини таъминлаган;

учинчидан, аҳоли яшайдиган ҳудудлардаги вазият, уларнинг турмуш тарзи, Амир Темур томонидан раиятнинг арз ва шикоятини ҳал қилиш учун лавозимига тайинланган масъул шахс (амалдор)лар оддий аҳолининг мурожаатларига қандай муносабатда бўлганликлари устидан назорат муҳтасиблар томонидан амалга оширилган;

тўртинчидан, Соҳибқирон давлатида савдогарлар ва тадбиркорларнинг арзлари ва шикоятларига юксак эътибор берилган;

бешинчидан, Амир Темур салтанатида нафақат якка тартибдаги, балки жамоавий тарзда йўлланган мурожаатларни ҳал қилиш ҳам алоҳида аҳамият касб этган.

Мухтасар айтганда, аҳолининг мурожаатларига бўлган муносабат Амир Темур салтанатида адолатли, интизомли ва мустаҳкам давлат барпо этишнинг асосий устунларидан бири ҳисобланган. Шунинг учун арз ва шикоятларни синчковлик билан ўрганиш, уларни қонуний ва одилона ҳал этиш усуллари оқилона ва мукаммал ишлаб чиқилган ҳамда амалиётда қўлланилган.

Демак, Амир Темур даврида мурожаатлар билан ишлаш марказлашган давлат бошқарувининг бир қисми бўлиб, махсус девонлар (вазирликлар) орқали амалга оширилган, айниқса, «Мамлакат ва раийят вазири» (бош вазир) ва «Девони Мазолим» (адлия вазирлиги) халқнинг мурожаатлари, аҳволи, шикоятлари ва солиқ масалалари билан шуғулланган, ҳокимларнинг адолатсизлиги бўйича шикоятларни кўриб чиққан.

Асосий механизмлари куйдагилар маълум бўлган:

1. Даргоҳ ва Девонлар: Давлат ишлари асосан Даргоҳ (олий идора) ва Девонлар (вазирликлар) тизими орқали бошқарилган.

2. Мамлакат вазири: Мамлакат ва раийят вазири (Бош вазир) кундалик муомалалар, халқ аҳволи, солиқлар, ободончилик ва аҳоли фаровонлиги каби масалалар билан шуғулланган ва мурожаатлар шу йўл орқали ўтиши мумкин.

3. Девони Мазолим: Адлия вазирлиги вазифасини ўтаган Девони Мазолим (ёки Мазолим вазири) айнан давлат идоралари, ҳокимлар ва раҳбарларнинг адолатсизликларига оид шикоятлар (мурожаатлар)ни кўриб чиқишга масъул бўлган.

4. Ҳоким ва амалдорлар: Вилоят ҳокимлари ва амалдорлар ҳам халқ билан бевосита мулоқотда бўлиб, уларнинг мурожаатларини ҳал этишга ҳаракат қилишган, лекин адолатсизликка йўл қўйилса, бу шикоятлар юқорига, яъни Девони Мазолимга етиб борган.

Хулоса қилиб айтганда, Амир Темур даврида мурожаатлар билан ишлаш учун аниқ вазифалар тақсимланган идоравий тизим мавжуд бўлган, лекин бугунгидек расмий "қайта ишлаш" жараёни ўрнига, кўпинча олий раҳбарнинг шахсий назорати ва маҳаллий бошқарув аралашган ҳолда ҳал этилган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Шавкат Мирзиёевнинг Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг VIII съездидаги маърузаси Электрон манба: https://uz.fundamental-economic.uz/?page_id=1132 (Мурожаат ақти: 20.05.2024)

2. Ахмедов Б. Амир Темур дарслари: Умумий таълим ва махсус тарих мактаблари ўқитувчилари ва ўқувчилари учун қўлланма. — Тошкент: Шарк, 2001.

3. Бабур, Захириддин. Бабурнаме. – Баку: Нагыл Еви, 2011. – 272 с.

ISSN: 3030-332X Impact factor: 9,493 Volume 16, issue 1, February 2026
https://wordlyknowledge.uz/index.php/IJSR worldly knowledge
Index: google scholar, research gate, research bib, zenodo, open aire.
https://scholar.google.com/scholar?hl=ru&as_sdt=0%2C5&q=wosjournals.com&btnG
https://www.researchgate.net/profile/Worldly-Knowledge
https://journalseeker.researchbib.com/view/issn/3030-332X

4. Клавихо, Руи Гонсалез де. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура (1403-1406). – Москва: Наука, 1990.

5. Соғуний А. Темур тузуклари; тарихий адабиёт / А.Соғуний ва Ҳ.Кароматов. – Тошкент: Yangiyul Poligraph Service, 2019. – 160 б.

6. Тўлаганов А.А. Роль и место Амира Темура в развитии узбекской государственности (на основе Уложений Темура): дисс. канд. юрид. наук. – Тошкент, 1996. – 76 с.

7. Юлдашев С. Амир Темур салтанатида адолат устуворлиги ва шикоятларнинг ҳал этилиш тарихидан // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари, 2016. – №1. – Б. 87. Амир Темур ва темурийлар замонида давлат бошқарувида мурожаатлар билан ишлаш жараёни.